# БЕШКАПАНИНГ МИНГ МЕТРЛИК ИЧКИ ЙЎЛЛАРИ РАВОН БЎЛДИ

Ўзбекистон туманидаги қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилашга қаратилган манзилли тадбирлар қизғин давом этмоқда.

Бу борада, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган амалий тадбирлар натижасида маҳалла ва гўшалар кўркам қиёфа касб этмоқда.

Хусусан, айни қарор асосида туман аҳолисининг 2270 нафардан зиёд қисми яшовчи “Бешкапа” маҳалласининг 1000 метр ички йўлларига асфальт ётқизилиб, равон ва соз ҳолатга келтирилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2023-03-09 11:09:42